

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА ОТ ТИМСОЛИНИНГ БАДИИЙ
ИФОДАСИ (ТОҒАЙ МУРОДНИНГ “ОТ КИШНАГАН ОҚШОМ,
ГУЛЖАҲОН МАРДОНОВАНИНГ “КЎККА УЧГАН ТУЛПОРЛАР”
РОМАНИ МИСОЛИДА)**

Зарнигор Ўктамовна ҚОБИЛОВА

тадқиқотчи

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ёзувчи Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссаси ҳамда адиба Гулжаҳон Мардонovanнинг «Кўкка учган тулпорлар» романи мисолида от образи миллий қадриятлар, тарихий хотира, эркинлик, садоқат, куч-ғайрат ва ватанпарварлик билан боғлиқ рамз сифатида талкин қилинади. Одам ва табиат муносабати, отпарварлик анъаналари, туркий халқлар тасаввурида отнинг тутган ўрни бадиий таҳлил асосида очиб берилади. Шунингдек, от образи орқали инсон ва жамият, шахс ва халқ тақдири, инсоний фазилятлар ва миллий ўзлик мавзулари бадиий ифодасини топгани асосланади.

Таянч сўзлар: от тимсоли, тарихий хотира, халқона характер, унутилаётган қадриятлар, Алимардон чавандоз, Ойимгул, Зиёдулла, Жийрон от, Тарлон от.

**ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ВОПЛОЩЕНИЕ ОБРАЗА КОНЯ В
СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ (НА ПРИМЕРЕ РОМАНА
ТОГАЯ МУРАДА «ВЕЧЕР, КОГДА ЗАРЖАЛ КОНЬ» И РОМАНА
ГУЛЖАХОН МАРДОНОВОЙ «КОНИ, УЛЕТЕВШИЕ В НЕБО»)**

Зарнигор Уктамовна ҚОБИЛОВА

исследователь

Самаркандский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

Аннотация

В данной статье образ коня в повести писателя Тогая Мурада «Вечер, когда заржал конь» и в романе писательницы Гулжахон Мардоновой «Кони, улетевшие в небо» интерпретируется как символ, связанный с национальными ценностями, исторической памятью, свободой, преданностью, силой, энергией и патриотизмом. На основе художественного анализа раскрываются взаимоотношения человека и природы, традиции коневодства, а также место коня в представлениях тюркских народов. Кроме того, обосновывается, что через образ коня нашли свое художественное выражение темы человека и общества, судьбы личности и народа, человеческих достоинств и национальной идентичности.

Ключевые слова: образ коня, историческая память, народный характер, забытые ценности, Алимардон-чавандоз, Ойимгуль, Зиёдулла, конь Джейран, конь Тарлон.

Миллий адабиётимизнинг дастлабки даврларидаёқ ҳайвонлар тасвири адабий жараённинг бир қисми сифатида эътироф этилган. Бадиий адабиётда отлар муҳим рамзий ва аллегорик аҳамият касб этиб келади. Асарда от тимсолининг тилга олиниши, одатда, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатни очиб беришга хизмат қилади. Роман ва қиссалардаги от тасвири маълум рамзий маъноларни ифодалайди: от инсонларга қийинчиликларни енгиб ўтишда, мушкулларини осон қилишда яқиндан кўмакдош бўлган тимсол сифатида гавдаланади.

Туркий халқлар оғзаки ижодида от тотем сифатида алоҳида эъзозланади. «Гўрўғли» достонидаги Ғирот, «Алпомиш» достонидаги Бойчибор, «Манас» достонидаги Оқула сингари мисоллар фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, от тимсоли таҳлил қилинган манбаларда қадимги «Байтарнома» асари ҳақида қуйидагича маълумотлар келтирилади: «Бу ёзма асарда асосан от ва унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, отни парваришлаш, ранг-тусига кўра зотини аниқлаш, от боқиш ва тарбиялаш усуллари, отга хос касалликлар ва уларни даволаш йўллари ҳақида мавзулар батафсил баён қилинади» [1; 3].

Профессор М.Бобохонов бадиий асарларда от образини таҳлил қилар экан “Америкалик ёзувчи Эрнест Сетон-Томпсон “Ёввойи йўрға” романида отларни фақат ҳайвон сифатида эмас, балки жонли мавжудот сифатида тасвирлаб, уларга ўзига хос психологик хусусиятлар юклаган бўлса, Тоғай Мурод “От кишнаган оқшом” қиссасида отларни миллий руҳ ва тарихнинг бир қисми сифатида кўрсатган эди. Гулжаҳон Мардонова “Кўкка учган тулпорлар” асарида отларни халқ ҳаёти, тарихи ва турмуш тарзининг рамзи қилиб тасвирлайди. Унинг ёндашуви янада кенг қамровли бўлиб, отлар нафақат тарихий, балки рамзий маъно касб этади. Тулпорлар орқали у инсон руҳиятининг ва орзуларининг учқурлигини кўрсатади [2;198].

Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссасида Зиёдулла тилидан шундай дейилади: «Дунёда нима мўл, тўрт оёқли жонивор мўл! Дуч келган тўрт оёқ жониворни қандай бўлса, шундайлигича эл орасига олиб кириб

бўладими? Бўлмайди! Авваламбор, тўрт оёқли жониворни от қилмоқ лозим...» [4; 106–107].

От ҳақида бой тажрибага эга Бобомурод саркор ва Зиёдулла каби қаҳрамонлар от парваришининг нозик билимларини эгаллаган. Бу билим китобларда ёзилмаган бўлсада, ота-боболаримиздан ўтиб келаётган оғзаки мерос тариқасида уларнинг онгига сингган. Тоғай Мурод қиссасидаги Зиёдулла кал образида инсоннинг ҳайвонга чексиз муҳаббати, Тарлон от тимсолида эса ҳайвоннинг инсонга садоқати таъсирли акс эттирилган.

Гулжаҳон Мардонованинг «Кўкка учган тулпорлар» романида отга оид кўплаб миллий тушунчалар бадиий ифода этилган. Масалан, Бадахшон топоними келиб чиқиши от номи билан боғлиқ тарзда изоҳланади: «Улар, аббав, бойтолимизди қамчилаб ке(л)сак, оқшоми бадли эканда, деганаканнар. Шу-шу қишлоқ Бадахшон бўп кетган...» [3; 45]. Бу асарда майдонда орият ва ғурур учун кураш полвонларимиз қонида борлиги таъкидланади. Анъанавий чавандозлик ўйини – кўпкари – Марказий Осиё халқлари тамаддунида ўзига хос мавқега эга мардонавор ўйин бўлиб, ўзбек ўғлони болалигидан билагига куч йиғиб, шу мусобақага тайёр бўлиб ўсади. Романда ўзбек йигитларига хос мардлик, бир сўзлилиқ ва адолат туйғуси бош қаҳрамон Оқсоқолнинг ички дунёсидаги бир ҳолат орқали ифодаланган. «Мабодо улоқда кимдир ғирромлик қилиб қолса, чавағон ўсиқ қошларини кўтариб, бит кўзлари билан ўктам қарашидаёқ масала ҳал бўлар, ҳозиргина ўпкаси кўтарилиб, тили бурро бўлиб турганлар ғинг этмай қолишарди...» [3; 47].

Тарихдан маълумки, от ҳамиша инсон билан ёнма-ён яшаб, синовли кунларда унинг яқин ҳамроҳи бўлган. Отни кўлга ўргатиш дастлаб туркий аجدодларимиз томонидан амалга оширилган. Қадимда ота-боболаримиз от билан боғлиқ турли эътиқодларга ишонганлар, афсона ва халқ қўшиқларида от образи орзу-умидлар ифодачиси сифатида намоён бўлган. «Кўкка учган тулпорлар» романида ҳам от образи ҳалол меҳнат ва турмушнинг оғирини енгил қилишда инсоннинг чин дўсти эканлиги тасвирланади. Масалан, романда ишлатилган «Қураси қуриганини биров эшитмаган» мақоли халқ

орасида оти бисёр, бой-бадавлат одамни англатади. Яна шу романда от тимсоли шижоат, куч-қувват, дўстлик ва инсон умрининг мазмуни – орийат тимсоли эканлиги Оқсоқол образида очиб берилган: «Кўрдингиз, бугун шунча жиллик кадрдонимга оёқ ошира олмадим. Демак, умрим жизиғи кесилиши жоқинга ўхшайди...» [3; 49]. Асар қаҳрамони Алимардон оқсоқол ҳаётида содир бўлган биргина ўзгариш – яъни отига оёқ ошира олмагани (кексайиб, энди от минишга қурби етмагани) – унинг ўз умрини сарҳисоб қилишига, ҳалол ризқ ва мазмунли умр ҳақида якуний ҳулосага келишига сабаб бўлади. Фарзандлари от ўрнига энди эшак минишни таклиф этганда у иззат-нафс билан рад этади: «Бир умр от миниб, энди ҳарсувор бўп чиқаманми?» [3; 50]. Етмиш етти ёшга кириб, энди от миномас ҳолга келгач, бундан кўра ўлимни афзал кўришдек улуғворлик ва ор-номус ҳисси фақат ўзбек чавандозларига хосдир.

Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом» қиссасидаги Зиёдулла чавандоз образида ҳам Оқсоқолдаги каби кучли ор-номусни кўрамир. Масалан, унинг севиқлиси Момосулув «тегмайман, калласи кал» деган гапни айтганидан сўнг Зиёдулла кал ор-номусга қаттиқ ботади ва дарҳол бир тулпор от сотиб олиб, кўпқарига чиқади. Шу орқали у «эркаклик укуви бир тутам соч билан белгиланмайди» деган ҳақиқатни амалда исботлайди. Демак, от тимсоли ва от миниш бизнинг халқимиз учун доимо юксаклик, ифтихор, баланд чўққиларни эгаллаш белгиси бўлиб келган. Аксинча, отдан тушиб қолиш эса мағлубият маъносини аниқлатган. Шу жиҳатдан отга садоқат ва от устида юрганлик туркий халқлар ҳаётининг ажралмас қисми эканини ҳар икки асар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бобомурод саркор романда камтар киши сифатида таърифланса-да, у от миниб кўпқарига кирганда ўзида фавқулодда довюраллик сезади, ўзбекка хос шижоат билан улоққа қўл чўзади. Худди шундай, Зиёдулла кал ҳам жисмоний нуқсонига қарамай кўпқарига киради. У «Айтиб қўйинглар, мен ҳали от олиб, кўпқари чопаман!» деб қатъий аҳд қилади [4; 104]. Бу орқали Зиёдулла кал ҳам улоқни ҳалоллаб олишни, мусобақада ҳақ билан ғолиб

чиқишни ўз олдига мақсад қилади. Азалдан ҳар бир ўзбек йигитининг кўпкарида от чоптириши унинг шижоатли ва ор-номусли эканини кўрсатган – Зиёдулла ҳам ана шу анъанага содиқ қолади.

«Кўкка учган тулпорлар» романида Бобомурод саркор кўнглида ўғли Алимардон чавандозлик либосларини кийган пайтда боболардан мерос ғурур, ор-номус, оила шаънини асрашга энди ишончли қўл пайдо бўлди деган фахр ҳисси туғилади. Бобомурод чавандоз болалигидан отга меҳр қўйиб улғайган, чавандозлик унинг ҳаёт мазмунига айланган эди. У ўғлига насиҳат қилади: «Чекким чавандоз бўма, бувангнинг, менинг отимга доғ туширма...» [3; 75]. Ушбу насиҳатда асрлар давомида ўзбек йигитларининг конига сингиб кетган қадриятлар мужассам: кўпкарига йигит мол-дунё учун эмас, элнинг ва ота-боболарнинг ор-номуси учун кириши, ғирромлик қилмаслик, жиловни қўлдан бермаслик ҳақидаги ўғитлар бугунги ёшларимизга ҳам ибрат бўларли. Яна у ўғлига уқтиради: «Сувлиғи билан узангиси мулойимғана мисдан бўлиши кераклигини унутма...» [3; 88]. Яъни, от анжомларининг эътибор билан тайёрланиши кераклигини эслатади. Отни муқаддас ҳайвон сифатида эъзозлаш, уни ардоқлаш ва тарбиялаш борасидаги ота-боболаримиз тажрибаси бугунги кунда ҳам қўплаб халқлар учун ўрнак бўла олади.

Тоғай Мурод қиссасида Зиёдулла кал бешинчи синфгача таълим олган оддий бир деҳқон бўлса-да, тўрт оёқли жониворни от қилишининг ўзига хос тарбия-усулига эга. У яхши билар эдики, сараланган тулпор чавандознинг ақл-заковати ва меҳридан яралади. Зиёдулла шундай дейди: «Тўрт оёқли жониворни от қилиш учун, авваламбор кўнгилда бўлмоғи лозим! Авваламбор, баданда бўлмоғи лозим!..» [4; 106–107]. Демак, отга меҳр бериб парваришлаш энг аввало юрак ишидир. Бобомурод саркор ва Зиёдулла – отни тулпор қилиш илмининг усталари бўлиб, она юртга ва табиатга меҳр қўйган, юксак эътиқодли инсонлардир. Масалан, Зиёдулла отларни хилма-хил белгиларига кўра яхши танийди ва бундай илмни ўзидан кейингиларга ҳам ўргатади: «Нимага бурноч от деймиз! Боиси, бурноч от пешонасида қашқаси,

бурни учиди оласи бўлади. Бўкталарида ола бўлади. Бурноч отнинг хили кўп бўлади: кўк бурноч, қора бурноч...» [4; 118–119]. Кўринадикки, қаҳрамон отнинг ранг-тусига кўра хилларини ҳам фарқлай олади.

Маҳмуд Кошғарий асарларида ота-боболаримиз отларни махсус жойларда тарбиялаганлари ҳақида маълумотлар учрайди. Аجدодларимизнинг от билан боғлиқ мифологик тушунчалари ҳам турк ва от мавзусининг муҳим саҳифаларини ташкил этади. Шунга кўра, ҳар икки асарда кўпкарининг асосий мавзу сифатида танланиши бежиз эмас – кўпқари қадимдан туркий халқларга хос ёвқур ўйин бўлиб, эл ғурурини намойиш этадиган воситадир. Асарда тўй ва сайилларда кўпқари мусобақасини ўтказиш, мохир чавандозларни меҳнатига яраша тақдирлаш, баковул (бош ҳакам)нинг адолатни таъминлаши, номдор чавандозларнинг чаққонлиги, ҳақиқатнинг ғалаба қозониши, омад ҳамиша мардга ҳамроҳ бўлиши каби шартлар чавандозликка хос қонуният сифатида тасвирланган. Ўйиннинг қоидалари сюжетга сингдирилган ҳолда баён этилади.

Адиба Гулжаҳон Мардонова “Кўкка учган тулпорлар” романида кўпкарининг жўмардлар ўйини эканлигини қуйидагича тасвирлайди: “Эркаклар даштларда тўда-тўда бўлиб юрган отлар уюрини ўз измларига буйсундириб, уларни хонакилаштирдилар ва кўк бўриларга қарши курашдилар” [3;58]. Профессор М.Бобохонов асарнинг айнан ана шу жиҳати ҳақида: “Бу от ва инсон ўртасидаги ҳамкорликнинг, отларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятининг муҳимлигини кўрсатади. Кўпқари ўйинининг шиддатли, серқирра тасвири романга қўшимча жозиба ва тасвирий куч қўшади. Муаллиф кўпқарини нафақат ўйин сифатида, балки халқнинг жангчи руҳияти, жўмардлик ва жасорат рамзи сифатида тасвирлаб, романнинг бадиийлик даражасини янада юксалтирган” [2;199] деб таъкидлаганда ҳақдир.

«Кўкка учган тулпорлар» романида инсонлардаги мардлик ва меҳроқибат тасвирини ўқиб, дилимизда самимий туйғулар пайдо бўлади. Бироқ асар шу билан бирга бир-бирини кўра олмаслик, халқона айтганда, «орқадан

пичоқ уриш» каби иллатларнинг жамиятимизда ҳануз мавжудлигини ҳам кўрсатади. Бу иллат Бозорбой чавандозга қилинган суиқасд воқеасида яққол намоён бўлган. Бозорбой чавандозни кўпқарига чикса ўлдириш билан бир неча бор кўрқитиб, огоҳлантиришади. У бундай таҳдидлардан чўчимайди, лекин навбатдаги улоқ кечаси Галажар томондан эшитилган Жийрон отнинг безовта кишнаши бу кўрқинчли режадан дарак беради – чавандозлар Жийроннинг ноласидан Бозорбойнинг ҳалок бўлганини дарҳол фаҳмлашади.

Асарда от инсоннинг яхши-ёмон кунларида содиқ ҳамроҳ, хавф-хатарга олдиндан туйғу билан муносабат билдирадиган мўъжизавий жонивор сифатида талқин қилинганини кўрсатадиган эпизодлар келтирилган. От инсоннинг тўйида ҳам, аза маросимида ҳам бирга бўлади; содиқ дўст сифатида эгасининг дардини ҳис қила олади, деб қаралади. Роман воқеалари шуни тасдиқлайдики, жамиятда баъзи инсонлар мол-дунё, обрў-эътибор, мансаб учун бир-бирига зулм қилиб, хаттоки ўлдиришдан ҳам тоймаётган бир пайтда от ўз эгасига беғараз садоқат ва вафодорлик намунасини кўрсатади. Суиқасдга учраган Бозорбой чавандознинг жасадини унинг Жийрон оти эгарига яхшилаб боғлаб қўйишади, токи тушиб кетмасин. Вафодор Жийрон кўзидан эса тинимсиз ёш оқади. Жийрон от инсонлар ўртасидаги бундай шафқатсизликни юраги билан сезди. Инсоннинг инсонга меҳри қолмаган бир пайтда от эгасига бўлган садоқат ва яхшилиқни намоён эта олди. Бу манзара романда қуйидагича тасвирланган: «Ихтиёрсиз Жийроннинг бошини қучоқлади. Отнинг кўзларидан ёш оқарди...» [3; 113].

Отнинг инсонга дўстлиги, эгасининг жонини асраб қолишга интилувчи жасорати Тоғай Муроднинг қиссасида Зиёдулла калнинг Тарлон отида ҳам намоён бўлади. Қиссанинг номи ҳам бежиз «От кишнаган оқшом» деб аталмаган – асарда Тарлон отнинг ғайриоддий хатти-ҳаракати ҳал қилувчи ўрин тутаяди.

Зиёдулла шубҳали бир вазиятга тушиб, адолатсизлик қурбони бўлганида (асарда у бегуноҳ саваланади), Тарлон от эгасининг бошига иш тушганини юракдан ҳис этади. Қоронғи оқшомда от безовталаниб,

пишқириб, думларини ёйиб, ёллари хурпайиб кетиб изтироб билан кишнайди – бу кишнаш ҳар қачонгидан ҳам дардли ва фарёдли эди. Тарлоннинг кишнашида инсоннинг инсонга қилган зулми, адолатсизлик ва шафқатсизликка қарши ички исён мавжуд эди. Тарлон от қахр ва изтироб билан кишнаганида, бутун оқшом зир титрагандай бўлади. Зиёдулла кал ўша пайтдаги ҳолатни юракни ларзага солувчи оҳангда тасвирлайди: «Кишнаш кўрдим, кишнашлар кўрдим, аммо ушбу оқшомдагидайини кўрмадим. Во дариғо, бу қандайчикин кишнаш бўлди? Кишнаш кўнгил-кўнглимни ўйиб юборди, вужуд-вужудимни қақшатиб юборди...» [4; 212-213]. Синовли кунлар қуршовида қолган нафақат Зиёдулла кал, балки барча мазлум инсонлар учун от шиддат билан яшашга, тўсқинликларни енгиб ўтишга интилиш тимсолига айланди. Зеро, инсон ҳамиша кўксида юрак уриб турган, дардини тинглайдиган ва орзу-мақсадлар сари дадил чорлайдиган бир суянчга мухтож бўлади. Аждодларимизнинг отга бўлган чексиз меҳри асрлар давомида шу жониворни вафоли, садоқатли дўст даражасига кўтарган. Шу боис Зиёдулла замонавий техника, машина-уловларни хуш кўрмайди – у тирик жон, юраги уриб турган отни афзал кўради. Қиссада Зиёдулланинг милиция ходими билан суҳбати ҳам бунга мисол бўлади:

– Мен сизга айтсам, капитан катта, Тарлоннинг оёғига қарадим.

– Хўш, Тарлонингиз ким?

– Бизнинг отимизда, капитан катта.

– Хўш, ҳали отда келдингизми? Шунча техника туриб-а!.. [4; 170–171].

«Кўкка учган тулпорлар» романининг «Улбой қизилнинг таҳдиди» деб номланган қисмида бир думалаб шўроларнинг малайига айланган манфур кимсалар образи яратилиб, бундай иллат қораланган. Бу қисмда Шўрча қишлоғидан чиққан ватанфуруш Улбой ҳамда «От кишнаган оқшом» қиссасидаги бадфеъл Рихсиев образлари ўртасида характер жиҳатидан муштараклик кўринади. Ҳар икки қаҳрамон – худбин, босқинчиликка мойил, маънавий кемтик кимсалардир. Улбой Алимардонга таҳдид қилиб дейди: – «Отангдан қарзим йўқ. Сенинг отингни тортиб олаётганимни кўрсин

деяпман, – деди Улбой баттар қизариб. – Аканг одамларни ишлатган, уйида хизматкор, чоракор сақлаган...” [3; 196]. Шўро тузумининг сиёсатини амалга оширишда ўз элдошларини ҳам аямайдиган Улбой Алимардоннинг севимли отини тортиб олишга ва Ойимгулга нисбатан бузуқ ният кўзлашга ботинади. Бундай кабиҳ ҳаракат атрофдагиларнинг нафратини уйғотади ва охир-оқибат Улбойнинг фожиали ўлими билан якунланади. Улбойдаги ахлоқий ва маънавий камолотнинг етишмаслиги фақат жамият учун эмас, унинг ўз ҳаёти учун ҳам фалокатга сабаб бўлади. Ёзувчи Улбой образи орқали ёшларни огоҳликка чақиради: инсон ўз она тупроғининг чинакам ҳимоячиси бўлиши, босқинчиларга нисбатан шафқатсиз позицияда туриши, она Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун билиши кишининг чин инсоний хислати эканлиги, аксинча ҳолат эса манфур, сотқин, хоин кимсаларга хослигини таъкидлайди. Улбой зўрлик билан олиб кетган от жарга қулаб nobud бўлганида, Алимардон отининг жасадини жарликдан олиб чиқиб, ҳовлисининг тўрига кўмади – бу халқимизнинг отга бўлган чуқур эҳтиромини ифодаловчи деталлардан биридир.

Алимардон чавандоз умрининг сўнгги лаҳзаларида болалик хотираларини ёдга олади. Тўнғич ўғли Омон унинг атрофида парвона бўлади. Атрофида фарзандлари, яхши одамларнинг борлиги унинг кўнглини тоғдек кўтаради. Кўпқари мусобақаси қайтадан қадрланиб, ўзбекнинг «бойлиги» сифатида эътироф этилаётганини эшитади ва кўзи қувончдан ёшга тўлади. Чавандоз пичирлаб дуо қилади: «Художон, шунча қиғанингга шукур...» [3; 343]. Шу тариқа, умр бўйи кўнглини тирқиратиб келган масалалар барибир ўз ечимини топганини кўриб, Яратганга ҳамду санолар айтади.

«Кўкка учган тулпорлар» романида ўзбек халқининг бошидан кечирган синовли кунлари ва мустаҳкам иродаси билан дориломон замонга етганлик шукуҳи от тимсоли орқали бадиий мужассам этилган. Роман номининг ўзида ҳам рамзий маъно бор: ота-боболаримиз назарида от доимо куч-қувват ва умид тимсоли бўлган. Шу боис асардаги от образи халқнинг синовлардан сўнг юксалишини, бахт-саодатга эришишини ифодалайди.

Ёзувчи романини яратиш жараёнида ўзбек тили шевалари ва тарихий манбаларни чуқур ўрганганини ҳам асардаги айрим деталлар тасдиқлайди (масалан, кўпқари ўйинининг турли ҳудудлардаги номланишларини – Самарқанд, Бухоро томонларда «чортоқ», Сурхондарёда «пойга», Фарғонада «полвон оши» дейишларини тилга олиши бунга мисол бўла олади). Асар қаҳрамонлари сунъийликдан йироқ, сабрли ва бардошли кишилар – улар ҳаётда қандай бўлса, шундай тасвирланган. Шу ҳаётий тасвир ва самимият китобхон учун асарни янада ишонарли қилади.

Тоғай Мурод қаҳрамони Зиёдулла кал ҳам ор-номус йўлида курашиб, инсонлар ўртасида ўз қадрини излайди. Инсонлар орасида бевафолик ва меҳрсизлик авж олган пайтда Тарлон от эгасига жигаридек яқин ва содиқ бўлиб қолади. Тарлоннинг эгасига бўлган меҳри инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳридек кучли ифодаланган. Одамлар ҳатто бир-бирини йўқ қилишга тайёр турган замонда ҳам Тарлон от эгасига садоқатни сақлайди.

Ҳар иккала асар қаҳрамонлари – Алимардон чавандоз ва Зиёдулла кал – отни садоқатли дўст, дардкаш сифатида билади. Улар учун от улуғворлик, матонат ҳамда мақсадлар сари олға босишда куч-қувват тимсолидир. «Кўкка учган тулпорлар» романида ҳам, «От кишнаган оқшом» қиссасида ҳам муаллифлар «табиат фақат инсон учун яратилган» деган нотўғри қарашни рад этадилар. Аксинча, табиат ва жониворларга муносабатни юксак бадий мақсад даражасига кўтардилар. Шу боис ушбу асарларда от тимсоли нафақат индивидуал қаҳрамонларнинг ҳаётида, балки миллий тафаккур ва адабий анъанада юксак маънавий-эстетик мазмун касб этган образ сифатида намоён бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуқодирова Л.Ш. Ўзбек адабиётида от образи генезиси ва тақомили // *Current Approaches in Discipline*. – 2024. – Т. 2. – № 5. – Б. 130-144.

<https://interoncof.com/index.php/cad/article/view/5886/5327>

2. Бобохонов М. Миллий-маънавий қадриятлар талқини //Жаҳон адабиёти, 2025. – №4. – Б.196-199.
3. Мардонова Г. Кўкка учган тулпорлар. – Тошкент: Bookmany Print, 2024. – 386 б.
4. Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом (қисса). – Тошкент: Шарқ, 1994.